

Тошкент шаҳридаги «Минор» жомеъ масжидига янги имом-хатиб тайинланди



18:14 / 05.01.2023 2951

2023 йил 5 январь куни Тошкент шаҳри Юнусобод тумани «Минор» жомеъ масжидининг янги имом-хатиби намозхонларга таништирилди. Ушбу маросимда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Жалолоддин домла Ҳамроқулов Тошкент шаҳар бош имом-хатиби вазифасини бажарувчиси Абдуқаҳҳор домла Юнусовга «Минор» жомеъ масжиди имом-хатиби вазифаси ҳам юклатилганини маълум қилди.

Жалолоддин домла Ҳамроқулов шаҳар бош имом-хатиби вазифаси катта масъулият ва юсак шараф эканини изоҳлаш баробарида Абдуқаҳҳор домлага келгуси фаолиятларида куч-ғайрат ва улкан муваффақиятлар тилади.

Масжид жамоаси томонидан янги имом-хатиб илиқ кутиб олинди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси